



ЯНГИ ТОШКЕНТ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ҒОЯСИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН АСР БУНЁДКОРЛИГИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 декабрь куни Янги Тошкент шаҳри ҳудудидаги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.



Ушбу янги шаҳарга 2023 йил 18 март куни тамал тоши қўйилган эди. Шу муносабат билан ўтган маросимда давлатимиз раҳбари у “яшил шаҳар” бўлишини айтган эди. Бу ҳаво ва сув тозаллиги, муқобил энергия манбалари, дархазорлар кўплиги каби мақсадларни ўз ичига олади. “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси шу ердан бошланади. 420 гектар майдонда Марказий боғ барпо этилиб, 200 минг туپ дархаз экилади.

Кўчатларни сақлаш ва сўғориш тизимлари барпо этилган. Янги шаҳарда тегишли вазирилик ва идоралар ишини ташкил этиш учун вақтинчалик маъмурий бинолар қурилмақда. Президентимиз улардаги шароитлар билан ҳам танишди. Ҳозирда енгил конструкциялардан 4 та бино ва ердამчи иншоотлар барпо этилган. Бунда тўлиқ маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилган. Офислар “ореп срэс” услубида бўлиб, ҳар бирида 250 нафаргача ходим фаолият юритиши мумкин. Бу вазирилик ва идоралар ишини бошқичма-бошқич шу ерда ташкиллаштириш имконини бериб, Тошкентдаги тирбандликни камайтиришга ҳам хизмат қилади.

Бошланаётганига ургу бериб, “Булар маърифатли жамият барпо этиш ғоясининг асоси ва намунаси бўлади”, деган эди. Президентимиз ушбу мажмуалар қурилишини бориб кўрди. Шулардан бири — Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 4 қаватли мажмуа ўз номига мос миллий дизайнга бўлади. Жами 30 минг квадрат метр майдонда бир пайтнинг ўзида 1 минг 420 нафар китобхона сифатли хизмат кўрсатилади. Бу ерда кутубхона фондидаги адабиётларни муносиб сақлаш, санокдан ўтказиш, хавфсизлигини таъминлаш ва стерилизация қилишга мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар ўрнатилади. Шунингдек, мажмуа кўп функцияли бўлади. Ташриф буюрувчилар учун 300 ўринли кафе, галерея, енгил спорт ўйинлари ва бошқа қулайликлар ташкил этилади.

— Мен аввал айтганимдек, бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт бўлса, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади. Билимли ёшлар боболаримизга муносиб кенг фикрли, миллий гурурли, етук инсонлар бўлади. Шунинг учун янги шаҳримиз қурилишини маърифат масканларидан бошлаяпмиз. Булар юз йилга тагиғулик маънавият, маърифат, илм ўчоғи бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Замонавий кутубхонада ходимлар ҳам шунга муносиб бўлиши, илгор ахборот технологиялари ва хизматларни яхши билиши кераклиги таъкидланди. Шу боис, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа ўқув юртиларида кутубхоначилар тайёрлаш сифатини ошириш вазифаси қўйилди. Мамлакатимизнинг 14 та шаҳрида кутубхона филиалларини ташкил этиб, ҳудудлардаги аҳолининг ҳам китоб ўқишига қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шаҳарда Тошкент давлат педагогика университети ҳамда “Янги Ўзбекистон” университети учун замонавий мажмуалар ҳам бунёд этилмақда. Президентимиз уларнинг қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Ҳозирги кунда Тошкент давлат педагогика университетининг етита факультети тарқоқ жойлашган. Биноларнинг аксарияти эскирган.

Шу боис, университет учун қирқ гектарлик майдонда 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари қурилади. Шунингдек, 5 минг ўринли ётоқхона, 300 ўринли богча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, спорт ва маданият саройлари, амфитеатр ва бошқа иншоотларни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, юқори рейтингли хорижий олийгоҳлар таърихиса асосида “боғча — мактаб — университет” яхлитлигидаги инновацион педагогик кластер ташкил этилади.

профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда, Германия стандартлари асосида ишлаб чиқилган. Бу ерда ўқиш истағида бўлган ёшлар сони йилдан-йилга ортмоқда. Бугунги кунда муассасада минг нафардан ортиқ талаба таълим олмақда.

Университет учун янги мажмуа қурилиши уч босқичда олиб борилади. Дастлаб ўқув ва ректорат бинолари бунёд этилиши кўзда тутилган.

Яқунда ўн минг нафар талабани қамраб оладиган бешта факультет, бир вақтнинг ўзида саккиз минг нафар талабага хизмат кўрсатадиган ректорат биноси қад кўтарди. Кутубхона, музей, кўргазма зали, мультимедиа хонаси, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси ташкил этилади.

Шунингдек, ўқитувчилар учун 286 ўринли турар жой, талабалар учун 2 минг ўринли ётоқхона қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуаларнинг келгусидаги аҳамиятига тўхталиб, ўқув жараёнини оқилона ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. — Бу маърифат масканлари — ёшларимизга инвестиция. Улардаги йўналишлар, дастурлар, таълим сифати ва касбларда Янги Ўзбекистонимиздаги марралар мужассам бўлиши керак. Бугун билим олаётган ёшлар келажакда мамлакатимизни олдинга бошлайдиган, муаммоларни ҳал этадиган “калит”, — деди Президент.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Янги Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик тармоқлари қурилиши билан танишди. Маълумки, мазкур шаҳар 1 миллион аҳоли яшашига мўлжалланган. Инфратузилма шунга мос ва узоқ муддатли бўлиши керак. Шу боис, ҳозирги кунда катта ҳажмда ер ости муҳандислик ишлари бажарилиб, улкан бунёдкорликка замин яратилмоқда.

Шаҳарда инфратузилма, турмуш ва экология мутаносиб бўлади. Масалан, экологик транспорт тизими ташкил этилади. Метро ва электробуслар уйғунлиқда ҳаракатланади. Транспортлар қатнови учун 14 та туннель, 100 минг автомобилга мўлжалланган ер ости тураргоҳлари қурилади. Пилдалар ҳамда велосипедчиларнинг тўсиқсиз ва хавфсиз ҳаракатланиши учун кенг қулайлик яратилади.

Бугунги кунда бўлажак чорраҳалардан бирида устунлар пойдеворини қуйиш

ва гидроизоляция ишлари бажарилмоқда. Президентимиз бу жараёни кўздан кечирди. Келажакни инобатга олиб, қурилишда юқори сифатли ва ташқи таъсирларга чидамли маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берди.

Шунингдек, айна пайтда бир ва икки секцияли муҳандислик коллекторлари қурилиши бошланган. Улар орқали марказлашган иссиқлик ва сув қувурлари, электр энергияси, телекоммуникация каби барча муҳандислик тармоқлари ер тағидан ўтказилади.

Шаҳарда замонавий урбанизация талаблари асосида “ақли” технологиялар қўлланилади. Юртимизда илк бор “уч генерация” станцияси қурилади. Оқова сувлар ҳам замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, сўғориш ва техник мақсадлар учун йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбарига Янги Тошкентнинг биринчи босқичида кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Аукцион орқали сотувга чиқарилган ер участкалари ғойиблари ўзларнинг инвестициявий лойиҳаларини тақдим этди.

Шаҳарга кўплаб маҳаллий ва хорижий инвесторлар қизиқиш билдиримоқда. Хусусан, биринчи босқичда 490 миллион АҚШ доллари қийматидаги 11 та кўп функцияли мажмуа, меҳмонхона ва рестороанлар лойиҳалари бошланган. Турар жойлар, тижорат жойлари ва ижтимоий муассасалар ҳудудни гавжумлаштириди. Меҳмонхона ва рестороанлар, ўзига хос дизайнли муҳташам бинолар ташриф буюрувчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиши билан бирга шаҳарни туризм марказига айлантиради.

Янги йилда шаҳарнинг кейинги босқичлари учун ер участкалари бошқичма-бошқич тақдир қилинади. Ҳар бир босқичда янги инвестицион имкониятлар ва лойиҳалар тақдим этилади. Бу, ўз навбатида, нафақат шаҳарни ривожлантириш, балки кўплаб янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳам хизмат қилади.

Умуман, келажакда шаҳарда инновацион технологияга асосланган, юқори даромадли 200 мингта иш ўрни яратилади. Бунинг учун янги технопарклар, IT-парк, таълим ва тиббиёт кластерлари ташкил этилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари



ОНА ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУНЛИК

Бугун нафақат биз, балки кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришининг салбий оқибатини яққол ҳис қилмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, туپроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма оқитларнинг беҳисоб ишлаши глобал исмишга, табиий ёқилларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда.

Давлатимиз раҳбари 20 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқда яна бир бор бу муаммоларга эътибор қаратиб, қатор ташаббус ва тақлифларни илгари сурди. Марказий Осиде минтақасида сув танқислиги, биологик хилма-хиллик камайиши каби

экологик муаммолар кучаймоқда. Бунинг оқибатларини зудлик билан бартараф этишга киришмаслик тиклаб бўлмас экологик фожияларга сабаб бўлиши мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ҲАЛ ЭТУВЧИ ДАВРИ 2024 йил сарҳисобига айрим чизгилар

Умр — сувдек югурик, дейдилар. Бугунги умримизга дохил дақиқа, соат, кун, ҳафта, ой ва йилларнинг ўтиш тарзи ушбу азалий ҳикмат мантиғига сизмай ва суръатига ета олмай қолаётгандек гўё. Нега деганда, “югурик” сўзи илдам, чаққон, чопқир, чопагон каби фақат ижобий мазмунга эга маъноларни англатади. Бугунги шиддатли давр эса нафақат эришилган ютуқ ва самаралар, балки кутилмаган тарзда ҳамда глобал миқёсда юзага келаятган турли хатару таҳдидларга ҳам ёндош кечмоқда.

Буюк ўзбек йўли

Шу маънода, якунига етган йил сарҳисоби хусусида сўз юритганда, шубҳасиз, агар 2023 йил илк бор референдум асосида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган йил мақомида тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан битилган бўлса, 2024 йил янги Ўзбекистон Конституциясини ҳаётга татбиқ этишнинг ҳал этувчи даври сифатида Ватанимиз тарихига муҳрланиши аниқ, деган фикрга келамиз.

Чунки янгиланган Бош қонунимиз “Муқаддима”сида эътироф этилганидек, халқимиз ушбу Конституцияни, жумладан, “Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тўтувлик асосида мустақамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб” қабул қилди.

“Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон”

(Ўзбекистон Президентининг янги китоби)
“Янги таҳрирдаги Конституциянинг чинакам ташаббускори ва муаллифи

халқимиздир”. Бу ҳаққоний эътироф Президентимизнинг “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” номи иккинчи салмоқли муаллифлик асариде алоҳида таъкидланган. Китобда Ўзбекистоннинг кейинги 7 йиллик ислохотлари натижаси умумлаштирилган ва олдимизда турган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти чуқур очиб берилган.

Ватанимиз дунёга, дунё эса юртимизга юз тутмоқда. Минтақамиз ва бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз кўпаймоқда. Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли сони бўйича жаҳонда энг ийрик 40 та давлатдан бири ҳисобланади. Юртимиз шиддатли демократик ўзгаришлар, кенг имконият ва амалий ишлар мамлакатига айлана бормоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида 2024 йилда улкан амалий қадамлар қўйилди. Мустақил юртимизнинг ҳар бир қутлуғ олдимида ва бунёдкор халқимизнинг ҳар қайси ютуғида истиқлолнинг буюк қудрати ёрқин намоён бўлмоқда. Шунинг учун Президентимиз эътироф этганидек, бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас! Давлатимиз раҳбари халқимизни яна бир ҳақиқатни унутмасликка чорламоқда. Яъни бугунги Ўзбекистон — бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган янги Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага



етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, кутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаглигимиз зарур. Шу нуқтан назардан, “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” асарининг қуйидаги асосий хусусиятларини санаб ўтиш ўринли: биринчи хусусияти: Ўзбекистоннинг умумбашарий муаммоларни бартараф этиш ва барқарор тараққийни таъминлашга

қаратилган глобал ташаббусларига эътибор берилган; иккинчи хусусияти: мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини алоҳида таъкидланган; учинчи хусусияти: янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ҳамда миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар моҳияти ва аҳамияти чуқур мушоҳада қилинган;

▶ Давоми 3-бетда

Статистика

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

АҲАМИЯТИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

Улугбек НОИПОВ, Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи

Доимий ўзгарувчан ахборот муҳитида миллий статистика идоралари фойдаланувчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжига мослашиб фаолият юритиши бугуннинг талабидир. Ушбу эҳтиёжлар қаноатлантирилишида халқаро услубиятлар ва бошқа мамлакатлар илғор тажрибасининг амалиётга жорий қилиниши маълумотлар сифатини оширади, уларга ишонч ортишига хизмат қилади. Бунда халқаро ҳамкорлик жуда муҳим ўрин тутати.



Статистика агентлиги томонидан МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси билан ҳам яқиндан ҳамкорлик ва ўзаро маълумот

Сўнгги йилларда Ўзбекистон статистика тизимида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги марказий аппаратда алоҳида бошқарма ташкил этилди. Халқаро ахборот алмашинуви ва ҳамкорлик географиясини кенгайтириб бориш йиллик статистика дастурларига киритила бошлади.

расмий статистика учун катта ҳажмдаги маълумотлар” номли 3,9 миллион доллар қийматидаги грант лойиҳаси Ўзбекистонда амалга оширилмоқда. Лойиҳада катта ҳажмдаги маълумотларни расмий статистикада кенг ва самарали қўллаш имкониятини ошириш кўзда тутилган.

Ҳозир Статистика агентлиги умумий ҳисобда 17 та халқаро ташкилот билан яқиндан алоқа ўрнатиб, уларнинг 49 турдаги саволномаси асосида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини тарқатишни йўлга қўйган.

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг миллий статистика органлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сербия, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Украина, Беларус, Россия ва Малайзиянинг тегишли идоралари билан статистика соҳасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ҳозир Таиланд ва Буюк Британия миллий статистика идоралари билан ҳамкорлик ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Статистика соҳасида дунёда энг юқори турувчи ташкилот бўлган БМТ Статистика комиссияси фаолиятида Ўзбекистон фаол иштирок этиб келмоқда. У БМТга аъзо давлатлар статистика идоралари раҳбарларини бирлаштиради. Халқаро статистика фаолияти, хусусан, статистик стандартлар, концепциялар ва услубиятларни ишлаб чиқиш, халқаро ҳамда миллий миқёсда амалга ошириш бўйича қарор қабул қилувчи асосий органдир. Жорий йил аввалидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори Европа статистиклари конференцияси (ЕСК) бюросининг янги аъзоси сифатида расман эълон қилинди. Бу билан Ўзбекистон мазкур бюрого аъзо бўлган Марказий Осиёдаги биринчи ва МДХдаги иккинчи давлат бўлди.

Бу бизга нима беради? Расмий статистика маълумотларининг ўз вақтида эълон қилиниши, даврийлиги ва очиқлиги даражаси, аҳоли ҳамда уй-жойларни рўйхатга олиш, маълумотларни бошқариш каби долзарб мавзулар ушбу бюро муҳокамалари марказидан ўрин олган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари тарихида мазкур нуфузли ташкилотга илк бор қўшилиши мамлакатимизнинг халқаро даражада маърифати ва статистика соҳасидаги манфаатларимизни илгари суришга самарали хизмат қилмоқда.

Статистика агентлиги эришган ютуқлардан яна бири БМТ Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО)нинг Статистика қўмитаси бюросига аъзолик бўлди. Бу туфайли ЭСКАТОнинг “Осиё ва Тинч океани минтақасидаги

Ўзбекистонда Халқаро валюта жамғармасининг Кенгайтирилган маълумотларни тарқатиш умумий тизими (Enhanced General Data Dissemination System (e-GDDS)) интеграция қилинган ҳамда автоматлаштирилган йўлга маълумотлар миллий саҳифаси ишга туширилган. Ушбу саҳифада Статистика агентлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги ва “Тошкент” РФБ томонидан 24 та асосий йўналишда 420 дан зиёд молиявий, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткич ўз муддатида эълон қилиб борилаётган.

Халқаро ташкилотларнинг статистика бўлинмалари билан ахборот алмашинуви

Table with 3 columns: Халқаро ташкилотлари, Саволномалар сони. Lists various international organizations like UN, ILO, WHO, etc., and the number of questionnaires they use.

алмашинуви йўлга қўйилган. 24 йўналишда 153 турдаги махсус саволномалар асосида статистик маълумотлар етказиб берилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичлари қўмитанинг статистик нашрлари ва электрон ахборот ресурсларида акцент этириб келинмоқда.


Статистика соҳасида халқаро ҳамкорлик кенгайтириш муносабати билан мамлакатимизда соҳа бўйича ўтказилаётган халқаро тадбирлар сони ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йил октябрда Тошкент шаҳрида МДХ Давлатлараро статистика қўмитасининг “МДХда статистикани ривож-

миссияни амалга ошириб келмоқда. Бугун Статистика агентлиги Халқаро валюта жамғармаси билан биргаликда Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти (Special Data Dissemination Standard — SDDS)га ўтиш бўйича ишларни ҳамкорликда бажармоқда.

Жаҳон банки гуруҳи билан келишувга кўра, 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган мақсад миллий статистика тизими салоҳиятини ошириш, маълумотларни ишлаб чиқиш жараёни ва тарқатиш ама-

Статистика фаолияти самарадорлиги индексида

Ўзбекистон кўрсаткичлари динамикаси



лантириш” лойиҳаси доирасида II Халқаро статистика форуми ўтказилди. Форум фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга эҳтиёжини қаноатлантириш йўлида идоралар фаолияти самарадорлигини ошириш, статистик маълумотларни ишлаб чиқувчилар ва улардан фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилашга қаратилган ўзига хос муҳокамалар платформаси бўлди.

Халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш мақсадида Ислоний давлатлар статистик, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ва таълим маркази (SESRIC) билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

ИХТнинг асосий ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар органи сифатида SESRIC аъзо давлатлар учун мамлакат, субминтақавий ва минтақавий даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашда асосий билим маркази сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистонда Халқаро валюта жамғармасининг Кенгайтирилган маълумотларни тарқатиш умумий тизими (Enhanced General Data Dissemination System (e-GDDS)) интеграция қилинган ҳамда автоматлаштирилган йўлга маълумотлар миллий саҳифаси ишга туширилган. Ушбу саҳифада Статистика агентлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги ва “Тошкент” РФБ томонидан 24 та асосий йўналишда 420 дан зиёд молиявий, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткич ўз муддатида эълон қилиб борилаётган.

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонда миллий ҳисобларни такомиллаштириш юзасидан техник

лиётини такомиллаштиришди. 2000 йилдан бери Жаҳон банки билан ҳамкорликда Ўзбекистонда уй ҳўжаликлари кузатувларини такомиллаштириш бўйича алоҳида лойиҳа ҳам амалга ошириб келинмоқда.

2000-йилларга келиб, дунёда кечаётган глобаллашув жараёни юқори сифатли, ишончли, тўлақонли, долзарб ва ўзаро солиштириш имконини берувчи статистик маълумотларга талабни оширди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур йўналишда эришилаётган ютуқларни ва миллий статистика тизimini ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижасини баҳолаб боришни тақозо этди.

Бу борада Жаҳон банки ташаббус кўрсатиб, 2004 йилда Статистика салоҳияти индексини ишлаб чиққан. Мазкур индекс 3 та асосий йўналиш — методологиянинг сўнгги халқаро андозаларга мослиги, маълумотлар мавжудлиги ва олиш имконияти ариятлигани ҳамда барқарор эълон қилиб борилиши ҳолати баҳоланади.

Бугунга келиб, трансформация жараёни, янги ахборот манбалари, фойдаланувчиларнинг статистик маълумотга эҳтиёжи жадал охири бориши ушбу индекснинг ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Натижада Жаҳон банки қатор халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этган ҳолда мутлақо янгича ёндашув асосида ишлаб чиқилган Статистика фаолияти самарадорлиги индекси (SPI) услубиятини тақдим этди ҳамда 2022-2023 йил якунлари бўйича натижаларини эълон қилди.

Янгилашган SPI аввалги SCнинг айрим жиҳатларини (статистик методология мавжудлиги, маълумотлар ҳажми ва даврийлик нормаларига риоя этилиши каби) сақлаб қолиш билан бирга миллий статистика тизимлари салоҳиятини янада кенг ўлчов воситалари ёрдамида баҳолашга қаратилган. Қисқаси, давлатларнинг миллий статистика тизимини тўлиқ, ишончли ва барча жиҳатларини инobatта олган ҳолда ҳолис баҳолаш асосий мақсад қилинган.

SPнинг асосий баҳолаш тамойиллари миллий статистика тизими фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Натижадорликка эришиш учун тўғри танланган маълумотлар манбаси ва зарур даражада инфратузилма талаб қилинади. Умуман олганда, мазкур индексда юқори баҳо олиш учун барча элементлар “соғлом” бўлиши, яъни рақамлар мавжудлик, даврийлик ва барқарорлик принципларига риоя этилган ҳолда юқори сифатли услубият асосида тадбирлар ўтказилган ёхуд индикаторлар шакллантирилган бўлиши лозим. Баҳолашда 5 та тамойил (компонент)га таянилади. Уларнинг ҳар бири биз “ўлчовлар” деб атайдиган ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур ўлчов бирликлари мамлакатнинг статистик кўрсаткичларини баҳолаш мумкин бўлган асосий кўрсаткичларнинг алоҳида тарқибий қисмидир. Демак, баҳолаш 5 тамойил ва тегишли 22 та ўлчовдан ташкил топган.

Мазкур ўлчовлар 51 индикаторга асосланади ҳамда ҳар бир ўлчов бўйича мамлакат статистик фаолиятини баҳолашда муҳим ўрин тутати. Мақсад индикаторлар эмас, балки тамойил ва ўлчамларга эътибор қаратишдир.

Ушбу халқаро индекснинг услубиятига тўхталас. Маълумотлардан фойдаланиш компоненти (яқинчи натижа) беш турдаги фойдаланувчиларни қамраб олади. Булар — қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият, фуқаролик жамияти, илмий ҳамжамият ва халқаро ташкилотлар. Самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар ҳар бир ўлчов бирлиги билан боғлиқ ва миллий статистика тизими мукамал бўлса, барча ўлчовлар бўйича яхши баҳога эришиш мумкин. Аксинча, тизим фаолиятида муаммолар мавжуд бўлса, муайян ўлчовлар бўйича пастроқ баҳо кузатилади. Аниқланган бўлишлар фойдаланувчи гуруҳлар ўртасидаги устуворлик ҳақида тушунча беради ва хулоса чиқаришга қўмақлашади.

Жаҳон банкнинг 2024 йилда эълон қилинган “Статистика фаолияти самарадорлиги индекси” (SPI)да 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистон 100 баллик тизимда 80,3 балл тўплаган, 217 мамлакат орасида 62-ўринни эгаллади. Статистика фаолияти самарадорлиги индексида барча МДХ мамлакатлари иштирок этган. 2023 йил якунларига кўра, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида 4-ўринга кўтарилган.

Ҳозир мамлакатимизда маълумотлар очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар бажариб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингинда 70 балл тўплаган, дунёда 30-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллаганини бу ишларнинг натижаси сифатида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, Лондондаги Очиқ маълумотлар институти (Open Data Institute — ODI) баҳолаш тизими бўйича Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали data.gov.uz “Gold Level” олтин даражали сертификатни олди. Маълумот ўрнида айтиш керак: дунёда атиги 3 та сайт энг юқори бўлган “Platinum Level” даражали сертификатга эга. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти — stat.uz ҳисобланади.

БМТ Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи ва халқаро экспертлар томонидан эълон қилинган БРМ (SDG Index) рейтингинда Ўзбекистон 71,1 индекс билан 166 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллаган, Open Data Watch ташкилотининг сўнгги ҳисоботида Ўзбекистон Очиқ гендер маълумотлари индексида 69,7 балл тўплаган ҳолда энг яхши 20 мамлакат орасидан жой олган. БМТ Статистика бўлими расмий веб-саҳифасида Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича энг илғор тажрибага эга 87 давлат қаторига киритилган. Булар мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишлар самара бераётгани ва халқаро доирада нуфузи ортиб бораётганидан далолат.

Агротармоқ

Эгатлаб суғориш усулида уруғ қадашдан то теримгача гектарига 10 миллион сўм сарфланса, ер остидан томчилатиб суғориш 1 гектар майдонга 7 миллион сўмга тушади. Ер остидан суғоришда эса гектарига 2 миллион сўм харажат қилинади, бироқ бунда ҳосилдорлик энг юқори кўрсаткичга етади. Ер остига 35 сантиметргача чуқурликда ўрнатилган резина шланглар камида 5 йил ишлатилгани боис, ҳар йили уларни ўраб, йиғиштириб олиш харажати ёнға қолади. Демак, ер остидан томчилатиб суғориш самаралироқ экани аён бўлади.

Шу маънода, томчилатиб суғориш усулини янада кенг ёйиш кераклиги бот-бот таъкидланаётгани бежиз эмас. Айни заруратни бугун деҳқону миришкорларимиз ҳам чуқур ҳис қилиб, инновацион суғориш усулини

тўла ёқлаб турибди. Бироқ сув тежамкор технологияларни ўрнатиш харажати уларни ўйлангандан шу маънода, кейинги йил бундай технологияларни жорий қилиш учун давлат бюджетидан етарли маблағ йўналтирилади. Таҳлилларга кўра, 1 куб метр сувни деҳқон даласига етказиб бериш учун 300 миллион сўмга яқин маблағ сарфланаётган бўлса, бу республика бўйлаб, 1,5 триллион сўмдан ошади. Томчилатиб суғоришга ўтиш эса 1 триллион сўм маблағни тежаб қолиш, дегани.

Имкониятига қараб, баъзи фермерлар ўз маблағлари ҳисобидан бўлса-да, томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилаётди. Хусусан, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги “Савай кўрки” фермер ҳўжалиги ҳам уч йилдан буён хитойликлар кўмагида янги технологиялардан фойдаланиб, пахта далагини суғораяпти. Фермер ҳўжалиги раҳбари Нурмухаммад Қозоқов томчилатиб суғориш тизими ҳам томонлама манфаатли эканини қўйидагича изоҳлади.

— Сувни тежабгина қолмай, ҳосилдорликни ҳам оширади. Ер остидан суғоришда минерал ўғитлар ҳам сув линиясидан оқиб, керакли нуктага етиб боради. Қолаверса, сув тежовчи технологиялар тупроқнинг унумдорлигини ҳам сақлайди. Зеро, эгатлаб



суғорилганда тупроқ унумдорлиги ювилиб кетади. Эски усулдан кескин фарқи ҳолда сув кераксиз жойларга, яъни ариқ ораларига ҳам бормайди. Елпасига сув ичмаганидан кейин тупроқ қатқалоқ бўлмайди, техник ишлов берилмайди. Эгатлаб суғорганмизда ариқ бўйлаб ёйилган сув қатқалоқ ҳосил қилади. Уни юмшатиш учун, албатта, трактор ерни ағдариши керак эди. Пахта неча марта

суғорилса, тупроқни юмшатиш тадбири ҳам шунча марта ўтказилади. Яна бир энг муҳим жиҳат шуки, томчилатиб суғоришда ишчи кучи икки баробар камаяди. Илгари 4-5 сувчи қилган ишни ҳозир 2 сувчи ҳам эплай олади. Ўзимиздан минсал. Аввало, ишчи кучига эҳтиёжимиз камайди. Еримизни ўғитиларин билан бемалол назорат қила оляимиз. Суғориш жараёнини ҳам ўзимиз бошқарамиз. “Сув

ёйилиб кетди”, “кун исиб кетди”, деган муаммолар бўлмайди. Томчилатишда сув ўз вақтида, керакли жойга ва бир хил боради, ҳосил бир текис унади. Анъанавий усулда суғоришда ўғит солишда ҳам исрофгарчиликлар бўлади. Шланг орқали эритилган ўғитни юбориш эса харажати анча камайтиради экан. Шу жиҳатларни инobatта олганда, барча фермерлар сув тежовчи технологияларни жорий қилиши керак. Секин-аста ён-атрофимиздагилар ҳам шунга ҳаракат қилаяпти.

2017 йилгача Қўрғонтепа туманида бу каби тежамкор технологиялар умуман бўлмаган. Бугунга келиб эса қарий 35 фоизга етгани Нурмухаммад академик фиркалайдин фермерлар сафи кенгаётганини кўрсатади. Якунланаётган йилда туманда 627 гектар майдонда сув тежовчи технология жорий қилинган бўлиб, 353 гектар майдон томчилатиб суғорилди. 2025 йилда эса 1665 гектар майдонда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш режалаштирилган.

Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга биноан сув тежаишда илгор,

режани бажаришда етакчи фермерларга давлатимиз томонидан субсидия ажратилапти. 25 гектар пахта майдонига томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган “Дардоқ ҳосилдор ерлари” фермер ҳўжалиги раҳбари Одилбек Жумабоев ҳам субсидия олганлардан.

— 2021 йилдан буён томчилатиб суғориш тизимига қизиқиб келаман. Бу борада қаерда ўқув семинари ташкил қилинса, қолдирмай борардим. Чунки бунинг афзаллигини Исроилиннинг “Нетафим” фирмаси ходимлари туманимизга келиб, тушунтириш ишларини ўтказганда чуқур англаб етганман. Қолаверса, дастлаб ўзимизнинг ҳудуддаги “Хантекс” пахта тўқимачилик кластери 45 гектар ерда шу усул туфайли эришган ютуқлар ҳам бизда катта қизиқиш уйғотган, — дейди фермер. — Шу пайтгача гектарига 900 кило — 1 тоннадан ўғит сарфлаган бўлсак, томчилатиб суғориш схемасида 450 килодан ўғит ишлатдик. Қани энди, ҳамма фермерлар ёлпасига сув тежамкор технологиялардан фойдаланса, катта натижага эришиларди. Давлатимиз томонидан келгуси йилги томчилатиб суғориш тизими учун ҳар қачонгидан кўп маблағ йўналтириладигани миришкорларга умид бағишлади. Шу қатори туманимиздаги талаботлар ҳам субсидия олиш борасидаги мурожаати ижобий ечим топиши мумкинлигидан хурсанд.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

МИЛЛАТИМИЗ РУҲИЯТИ УНИ КЎТАРА ОЛСАК, ЭНГ ЮКСАК МАРРАЛАР БИЗНИКИ БЎЛАДИ

Маълумотларга кўра, ҳозир Ер юзиде ишсизлар сони 210 миллиондан ортди. Бу дунё бўйлаб ишсизлик даражаси COVID-19 пандемиясидан кейин қарийб 25 миллионга камайганини аниқлатади. Аини кўрсаткич халқаро меҳнат бозори аста-секин ўнгланаётганидан дарак беради.



Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ишсизлик камбағаллик дегани. Шу туфайли ишсизлик даражаси қанча паст бўлса, камбағаллик даражаси ҳам шунча паст бўлади. Дарҳақиқат, ривожланган мамлакатларда ишсизликни паст кўрсаткичда ушлаб туришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинган. Бирок мамлакатимизда камбағаллик, ишсизлик кўрсаткичи яқин йилларгача сиёсий минбарларда деярли тилга олинмади, аниқ рақамларда акс эттирилмади, камбағалликка “кам таъминланган” ниқоби кийдирилди. Давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига киришаркан, аини масалаларни ҳал этмай туриб, мамлакатни жадал ривожлантириб бўлмастлигини очиқ-ойдин айтди.


лионлаб одам қашшоқликка маҳкум бўлиб қолаётган паллада юртимизда миллионлаб инсонларнинг камбағалликдан чиқаётгани ҳазилакам натижа эмас.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенатининг жорий йилги сайловдан кейинги биринчи мажлисида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш учун ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўлами кенгайтирилади” деган гапи журналист сифатида мулоҳаза юритишга чолади. Эътибор беринг: ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятга мослаштириш сиёсати илгари бормиди? Бу тоифа билан кимнинг иши бор эди? Масъуллар уларнинг ҳолидан фақат байрамларда ва айрим ҳафталикларда шунчаки хабар олиб кетишдан нарига ўтмасди. Уларнинг ўзи алоҳида бир жамиятга айланган бўлиши керак. Бу воқеаларга шахсан гувоҳ бўлганим учун бемалол айта оламан: ногиронлиги бўлган шахсларга муносабат сўнгги йилларда бутунлай ўзгарди. Масъуллар бугун уларнинг хонадонига фақат совға эмас, балки гоя, ташаббус, имконият кўтариб боради. “Ўзингизни кўрсатинг, қўлингиздан келадими, сиз эплэйсиз!” деяпти, йиллар давомида сўниб қолган қалб шамини ёқиб жид-ду жид билан ҳаракат қилмоқда. Қисқаси, бир пайтлар улар учун ясалган “жамият” тарқатилиб, ногиронлиги бўлган шахслар асосий жамиятга қўшилипти. Бунинг натижаси ўлароқ, фалончи имконияти чекланган бўлишига қарамай, тадбиркорлигини йўлга қўйиб, шунча кишини иш билан таъминлади, деган хабарларга кўзимиз тушяпти. Илгари уларга ким ишонар эди? Ким тадбиркорлигини бошлаш учун кредит ажратарди? Эплай олмайдими, дейилар, ишонсизлик билан қарашар эди. Мана, улар бугун ўзи ишлаш тугул, бошқаларни ҳам иш билан таъминлапти. Таққос ва ҳақиқий баҳони ўзингизга қолдирамин.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқида камбағалликни камайитириш ҳақида сўз юритар экан, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича

кўмак бериш пакетлари индивидуал бўлишига ургу берди. Бу жумлани ҳам бир нафасда ўқиб кетиш мумкин, лекин, аслида, унинг аҳамияти ниҳоятда катта. Хўш, камбағал оилаларга психологик ёрдам бериш нима ўзи? Пул, озиқ-овқат маҳсулотлари берилиши, боринги, турли имтиёзлар тақдим этилишидан хабардоримиз, лекин психологик ёрдам қандай бўлади? Инсон бой бўлиши учун мақсади ҳам, дунёқарши ҳам катта бўлиши лозим. Европалик таниқли тадбиркорнинг “Бойиш инсоннинг ичида бошланади”, деган гапи бор. Ишонсизлик, қўрқоқлик муҳитида ҳаракат йўқолади, натижа юзага чиқмайди. Ён-вери-мизни кузатиб таҳлил қилсак, бир хил ҳаёт тарзига кўникиб қолган, ўзгаришларга ишонмайди, уриниб ҳам кўрмай туриб, қисмат экан-да деб кўникиб яшайверадиганлар топилишини кўрамин. Уларнинг эртამиз бугунимиздан яхши бўлишига ишончи тушиб кетган. Афсуски, худди шундай оилаларда улаётган фарзандларнинг ҳам кўпиде аини руҳий сўниқлик бор. Уларга қармоқ беришдан олдин ишонч бахш этиш лозим. Акс ҳолда, қармоқнинг ҳам нафи йўқ. Давлатимиз раҳбари аинан шу жиҳатни назарда тутди: энди камбағаллик даражасидеги ҳар бир юрдушимизга психологик ёрдам берилади. Халқона айтганда, уларнинг руҳиятига “Одам қилган ишни одам қилади, сиз ҳам бемалол эплэйсиз”, деган жайдари тушунча сингдирилади. Бунинг индивидуал амалга оширилиши эса натижадорлики анча оширади. Сабаби ҳар кимда вазият ҳар хил.

Марра катта олинди. 2025 йилда 1 миллион кишини камбағалликдан чиқариш Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплексининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Камбағал оилаларга мансуб болалар мактабларда чет тили, касб-ҳунар ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 миллиард сўм ажратилади. Бу, шубҳасиз, камбағал оилалардаги ишонсизлик муҳитини йўқотиб, унинг ўрнида қатъият, натижадорлики пайдо қилишга яққол мисол бўлади.



Ишини яхши кўрган инсон иш ўрнини ҳам кўпайтиради. Қандай қилиб? Масалан, касбини севиб бажарадиган хунарманд ритили, касб-ҳунар ва IT бўйича бепул билим олиши учун 500 миллиард сўм ажратилади. Бу, шубҳасиз, камбағал оилалардаги ишонсизлик муҳитини йўқотиб, унинг ўрнида қатъият, натижадорлики пайдо қилишга яққол мисол бўлади.

мамлакатимизда фаолиятини кенгайтириш мақсадида юрган тадбиркорлар камми? Айтмоқчи бўлганимиз, иш ўрнини кўпайтириш фақат хориждан инвесторларни олиб келиш ҳисобига бўлмайди. Бунинг учун жамиятимизнинг ўзида ҳам етарлича ресурс мавжуд. Ҳама гап уларни топиш, кашф қилиш, қўллаб-қувватлашда.

Давлатимиз раҳбари жамиятнинг энг кўйи бўлини — маҳалла катта эътибор қаратгани ҳам бежиз эмас. Бу борада маҳалланинг функциялари оширилатгани яхши самара бери. Маҳалла — ватан ичра кичик ватан. Бунда одамлар бир-бирининг ҳолидан хабардор, бир-бирини ҳам хўш кўриши мумкин бўлганларнинг асосий қисми маҳалланинг ҳисобига қилинади. Бирор тадбирни режаласак, маҳалла раисига мурожаат қиламиниз, муаммолари вазиятга дуч келсак ҳам маҳалла раисини орага қўшамиз. Ахир улар бизни яхши танийди, дарду кувончимизни ҳис қилади. Шундай экан, биз илгари эшигиде соатлаб кутган идораларда ҳал бўладиган ишларни битириш ваколати маҳалла бошқаруви берилган жуда зўр иш бўлди. Мана, аини ташаббус амалиётга жорий этилди, натижада халқимизга беминнат хизмат қилмоқда.

Илгари қишлоқларга мониторинг учун турман ёки шаҳар ҳокимликларидан вакиллар боради. Улар, асосан, олдиндан белгиланган оилаларга қираб, нима дейиш кераклиги олдиндан айтилган хонадон эгалари билан

суҳбат ўтказар ва жараёни суратга муҳрлаб қайтиб кетарди. Бир марта кирилган хонадонга “ҳолати ўрганилган” деган “асос” билан 3-4 йил қайта кирилмас эди. Ваҳоланки, 3-4 йил узоқ мудат ва унинг мобайнида исталган оилада вазият ўзгариб кетиши мумкин. Бугун эса маҳалла тизими муаммолари оилаларни яхши маънода “тинч қўймапти”. Ишсиз, қўлида ҳунари йўқларга “Ана, мономарказда ўқинг”, фарзандларнинг бандлиги таъминланмаган бўлса, “Мана, болангизни ўқув марказида ўқитинг, давлат томонидан ёрдам берилади”, дейилапти. Томорқаси бўш ётган бўлса, уруг, ўғит кўтариб келаяпти. Ҳосил йиғими маҳаллада харидорни ҳам ўзи топиб берипти. Гапнинг индалосини айтганда, бугун “маҳалла еттилиги” дангасаликка ўрганиб қолган одамларни ҳол-жонига қўймапти.

Дарҳақиқат, бугун “маҳалла еттилиги” энг кўйи ҳокимиятга айланди. Унинг таркибиде аҳоли давлатнинг гамхўрлигини ҳис этиб яшаш учун зарур барча ҳодимлар бор. Таркиб маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий ҳодимдан иборат.

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги тегишли қарори билан маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича республика, вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари жорий этилган. Республика кенгашига Бош вазир, худудий кенгашларга эса ҳокимлар раҳбарлик қилади.

Кенгашлар “маҳалла еттилиги” қўйган масалалар бўйича ҳар бир туманинг ҳусуниятдан, маҳаллаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, муаммоларга ечим топади, молиявий манбаларни аниқлайди. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳалла ҳокимлик топириқлари билан эмас, ҳокимлик маҳалланинг муаммолари билан шуғулланади.

Нега бу маълумотларни келтирдик? Гап шундаки, бугун мамлакатимизда давлатнинг гамхўрлиги энг кўйи бўлганча етиб келди. Яъни у энди тақомиллаштириш босқичига ўтган. Масалан, келгусида маҳалла раисининг ваколати кенгайиши ёки “маҳалла еттилиги” “маҳалла ўнлиги” даражасига кўпайиши мумкин, аммо мақсад аҳолининг фаровонлигини ошириш бўлиб қолаверди. Энди ҳамма гап мутасаддилар ўз вазифасини виждонан, бекаму кўст бажаришда даров этмоғида. Шундагина юқорида айтилган барча мақсадларимизга оғишмай ета оламиз.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “олдиндада гоят улкан марралар турибди” ҳамда “бу янги даврда энди эскича ишлаб бўлмайди”. Шу туфайли аҳоли фаровонлигини ошириш борасидеги ислохотларга барчамиз кўмакдош бўлишимиз аини мудоа. Бу борада таълим, тарбия, маънавият, маданият ва санъатнинг таъсир кучидан фойдаланиб, юртошларимиз руҳиятини кўтариш, қалбиде эртанги кунга ишонч уйғотиш, эртдан эмас, бугундан бошлаб яхши яшашимиз кераклигини тушунтириш, ёшларда кучли ирода шакллантириш шу ватан фарзанди сифатида ҳар биримизнинг масъулият билан ёндашимиз лозим бўлган вазифамиз бўлиши керак. Шундагина энг юксак марралар бизники бўлади!

Қадрият

ДЎМБИРА ДИЛИНИ, ДЎМБИРАСОЗ ЭСА ЭЛНИ АКС ЭТТИРАДИ



Дўмбира халқимизнинг қадимий чолғу асбоби. Жуда кўплаб миллий чолғу асбобларимизнинг онаси — асоси бўлган. Сурхондарё вилоятининг Вандихон туманида бийдек чўл худудда жойлашган Гулбоғ маҳалласиде яшовчи Нормурод Шойдилов қарийб ярим асрдан бери дўмбирасозлик билан шуғулланиб келади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



— Дўмбира яшаниннинг ўз аънавалари, сирасорлари бор. Чунки муслиқий чолғуга аниқ саз ва оҳангни сиғдириш керак бўлади. Узоқ йиллардан буюн ота-боболаримиздан мерос қолган аънаваний услубда дўмбира ясашга эътибор қаратиб келаман, — дейди уста Нормурод Шойдилов. — Ота-боболарим ҳам дўмбирасоз бўлган, аммо элга доврақ сол-

гудек эмас. Дўмбира ясайман деб, қачон биринчи ёғоч йўнганимни эслолмайман. Анча бўлган. Дўмбирасозлик ҳамма замонларда устадан ўта нозик дид ва юксак маҳорат талаб қилган. Дўмбира баъзан нақшлар билан безатилган, гоҳида эса оддийликка йўрилган бўлса-да, унинг кувноқ ва дардчил навоси

бир хил бўлаверган. Яратилгани минг йилликларга ёндош бу саз гўё фалсафа янглик олам-олам маънога эга. Нормурод Шойдиловнинг айтишича, у узоқ йиллар бошқа соҳада меҳнат қилган. Аммо тушида вафот этган дўмбирасоз устози тез-тез намоён бўлиб, дўмбира яса, мевали даракдан яса деб, дўмбира яшаниннинг сир-

асорларини ўргатар экан. Шу-шу касбини ташлаб, дўмбира ясаб, бахшиларга сотиб кун кўриб юрган дўмбирасознинг бугун иши бароридан келмоқда.

— Сизга айтсам, дўмбира ясашда ҳам катта бир ихлос ва илоҳийлик бор. Дўмбирани қўлга олган ва уни ўрганишга унмаган бахши бўла олмаганидек, ҳамма ҳам дўмбира ясовчи уста бўлолмаган, — дейди Нормурод Шойдилов. — Бу жуда қийин ва бир неча босқичли жараён. Дўмбирасоз уста одатда куз фаслида, ҳамма дов-дарактлар уйқуга кетиш арафасида, мева бермай қолган, йирикроқ дарактни кесади. Дўмбира ясаладиган ёғоч камиде ярим йил — тўққиз ойгача, баъзан бир йилгача ерга қўйиб қўйилади. Сизга айтсам, битта дўмбира тайёр бўлиб, бахшининг қўлига етиб боргунча камиде икки йилча вақт кетади.

Дўмбира ясаб билан шуғулланиб келаятган отахонинг фарзанди Сафар Шойдилов таниқли бахши бўлиб, Ўзбекистон халқ бахшиси унвонига сазовор бўлган. У ҳам яхшиликка дўмбира яшаниннинг эпини билади. От ўрнини той босар. Отахонинг набиралари ҳам нафақат дўмбира чалади, балки унинг яслишини ҳам қўллари яхшигина келишади. Яна бир гап, дўмбираниннинг дунё бўйлаб ёйилишида “2022-2026 йилларга мўлжалланган “Санъат экспорти” миллий лойиҳаси”-

нинг ҳам аҳамияти катта бўляпти. Шу сабаб бугун Нормурод Шойдилов кабилар ясаган дўмбиралар нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам бозорини топяпти. — “Хунарли киши хор бўлмас” деган ҳикмат бор. Қадимдан қолган бу ўғит ота-боболаримизнинг муайян хунарни танлашига туртки бўлган. Қувонарлиси, бу эзгу аънава бугун ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ, — дейди Термиз давлат университети доценти Абдураим Турсунов. — Сурхондарёда азалдан, аиниқса, ҳозирги кунда Нормурод Шойдилов каби сазовчи уста хунармандлар қадрлаб келинади. Бу эса уларнинг фаолияти кўламининг тобора кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Бугунги техника замонида дўмбирани дастдоҳларда тезликда ясашдан осони йўқ. Лекин азал-азалдан қўл меҳнатиде тайёрланган буюмлар ҳаммаша етуқ санъат асарига тенглаштирилган.

— Биласиз, бизда турли дostonчилик мактаблари бор. Масалан, Сурхон воҳасида Шейрабод, Қашқадарёда Қамай, Самарқандда Эса Булунгур мактаблари бўлган. Мактаблардаги авлодларнинг ижро услуби, репертуари, овоз, оҳанг, нағмасида, ҳатто чертаётган дўмбирасида ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Аммо ҳамма мактаб бахшилари аинан дўмбира чертиб, дoston ва термалар айтиб келган. Умумийлик йўқолмаган, — дейди “Бойсун” фольклор ансамбли аъзоси, муслиқшунос, ТерДУ доценти Саттор Қурбонов. — Янада эътиборлиси, бугун ҳам дўмбирасозлар дўмбира яшаниннинг қадимий аънаваний йўлларидан оғишмаган ҳолда чолғу асбобини янги элементлар билан янада бойитмоқда.

Нормурод Шойдиловнинг айтишича, югурик вақт ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказгани сингари олтин саз — дўмбирани ҳам муайян маънода ўзгаришган. Илгари дўмбираниннинг тори қўйининг ичагидан ясалган. Халқ қўпайгани, дostonлар берилиб тинглангани ординда аудитория кенгайиб боргани сари дўмбираниннинг садоси ҳам баланд чиқиши лозим бўлган. Ҳозирги пластик торлар эса овозни сезиларли оширган.

Барча замонларда дўмбира ясаб сермашаққат иш ва алоҳида маҳорат талаб қилган. Дўмбира қандай оҳанг чиқариши энг майда деталларга ҳам боғлиқ. Йиллар давомида дўмбира замон талабларига мослашган бўлса-да, бу жиҳат дўмбира садосига ҳам, тузилишига ҳам унчалик таъсир кўрсатмаган.

Нормурод бобонинг ана айтишича, бу касб-ҳунар йўқолиб кетмаслиги керак. Бугун юрда унинг ривожини учун ҳамма шароит бор. Фақат кўнгилда гурури жўш уриб, минг йиллик қадриятлардан фахрланиб, қалбига жо қилувчи собит авлодлар керак. Зеро, дўмбира дилини акс эттирганидек, дўмбирасоз элани намоён қилади.

Сарвар ТЎРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



СОҒЛОМ ТУРМУШ САҲИФАСИ



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

“ЦИВИЛИЗАЦИЯ КАСАЛЛИГИ”

КАМҲАРАКАТЛИЛИКДАН ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК САРИ



Инсон умрининг давомийлиги кўп жиҳатдан турмуш тарзини тўғри шакллантиришга боғлиқ. Соғлом бўлиш учун тўғри овқатланиш ва зарарли одатлардан воз кечиш ҳамда доимий жисмоний фаол бўлиш зарурлиги исбот талаб этмайди. Бугунги тезкор замонда, замонавий техника воситалари қулайлик яратган ва офисга “михланиб” ишлаш ҳаракатни чеклаб қўйган бир даврда жисмоний машғулотларга вақт ва ҳафсала етишмаслиги ҳам бор гап. Аммо камҳаракатлилик оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг гирикликка, умрга даҳл қилишини кўз олдингизга келтирсангиз, ҳаёт қанчалар гўзал, саломатлик эса асраб-авайлашни керак бўлган бебахо неъмат экани аён бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош геронтолог ва гериатри, тиббиёт фанлари доктори Юлдуз ТОЛИПОВА билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Камҳаракатлилик ўзи нима ва у қандай асоратларга сабаб бўлиши мумкин?

— Гиподинамия — камҳаракат ҳаёт тарзи. Бунинг натижасида организмнинг мушаклар фаолияти заифлашади, муҳим аъзоларда нафас олиш, қон айланиши, овқат ҳазм қилиш, метаболизмнинг бузилиши кузатилади.

Бугунги кунда инсоният технологик тараққиёт неъматларидан баҳраманд бўлиш билан бирга унинг натижасида юзага келадиган камҳаракатлилик асоратидан азият чекмоқда. “Соғлигингда югурмасанг, касал бўлганингда югуршига мажбур бўласан”, деган гап бежиз тез-тез тилга олинмаётган. Камҳаракатлилик жисмоний фаолият билан боғлиқ бўлмаган доимий чарқоқ ҳиссини юзага келтиради. Бу юрак тез-тез уриши (тахикардия) ва нафас қилиши билан ҳамроҳ бўлиши мумкин. Жисмоний фаоллик бўлмаганда нафақат мушаклар, балки қон томирлари ҳам аста-секин эластиклигини йўқотади ва тўқималарни ксилород билан таъминлаш ёмонлашади.

Камҳаракатлилик тана вази ортиши, семизлик, артериал босим ошиши, гипертония, юрак ишемик касаллиги, сурункали юрак етишмовчилиги, мия инсульт, миокард инфаркти ва бошқа асоратларга сабаб бўлади.

— Камҳаракатлилик қаердан келиб чиқади?

— “Цивилизация касаллиги” деб аталмиш камҳаракатлилик, асосан, ҳамма жараёнлар автоматлаштирилган катта шаҳарларда кузатилади. Замонавий дунёда мегаполис аҳолиси ўтин кесини, уй қуриши ёки озик-овқат учун оқ қилишнинг ҳолати йўқ. Замонавий лифтлар ва эскалаторлар, турмуш шартини энгиллаштирадиган барча автомат жиҳозлар уларнинг хизматида. Бу қулайлик технологик мўъжизалардан баҳраманд бўлиш билан бирга камҳаракатлиликка сабаб бўлмоқда.

Аксариёт касбларда ўтириб ишланади. Аммо камҳаракатлилик фақат муайян касб эгалари билангина боғлиқ эмас. Замонавий жамиятда камҳаракатлилик нафақат катталарга, балки болалар ва ўсмирларга ҳам таъсир қилаётгани ачинарли.

Охириги тадқиқотларда юрак-қон томир касалликлари ёшариб бораётгани маълум бўлмоқда. Ўсмирлар жуда кўп вақтнинг компютер ёки мобил телефон қаршида, интернетда ўтказяпти. Энг осон ҳаракатларни ҳам бажаришга эринишади. Бунинг натижасида улар ўртасида ноинфекцион касалликлар илдиз отмоқда.

Шунингдек, уйдаги нурунийлар, келинлар, ёшлар ижтимоий тармоқларга боғланиб қолаётгани, ҳатто таом тайёрлашга эҳтиёж ҳам сусайиб, кўпроқ “элит бериш” хизматидан фойдаланилаётгани сир эмас. Эҳтимол, бу замон талабидир. Аммо унутмаслик керак, юрак-қон томир касалликлари 50 фоиздан ортиқ ҳолатда камҳаракатлилик туфайли юзага келади. Гиподинамия хавф омилларининг энг асосийсидир. Айни пайтда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1000 дан ортиқ хавф омилли белгилаб берилган. Улар орасида юрак-қон томир касалликлари асорати ҳисобланган клиник ҳолатлар, асоратлар ҳамда ўлим кўрсаткичи етакчи ўринни эгалламоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 17 миллиондан ортиқ инсон юрак-қон томир касалликлари оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Прогнозлар бу кўрсаткич йил сайин ошиб бориши ва 2050 йилга келиб, 76 миллионга етишини кўрсатмоқда. Бу хавф омилли шикоят қаҳирмаиди. “Беморман, камҳаракатман ёки тана вазим ошган”, дея шифокорга мурожаат қилинмайди. Аммо оқибатда саломатлик бой берилиши мумкин. Хавф омиллари, жумладан, камҳаракатлиликни баргафур этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш орқали юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш мумкин. Зеро, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳаракатлар фаоллиги энг асосий йўналиш саналади.

— Камҳаракатлилик билан қандай курашиш мумкин?

— Дори ёрдамида ундан халос бўлиш мумкин эмас. Ягона самарали ва қулай восита — доимий ўрғача жисмоний фаолият. Тез юриш ёки югуриш етарли, ҳатто тоза ҳавода секин, аммо узоқ юриш ҳам кони фойда. Машқлар ҳар бир инсоннинг саломатлиги ва жисмоний ҳолатига қараб индивидуал танланади. Чидамлиликни аста-секин оширадиган юкларлар жуда муҳим.

Ҳеч бўлмаганда, ҳар куни ишга бораётган ва қайтаётганда икки-уч бекат пиёда юриш мумкин. Одам секин юрганга муайян йўлни босиб ўтади. Бу уни тинчлантиради, зўриқишдан халос этади, фикрлашга, мушоаха қилишга ундайди. Агар кўпроқ ва тезроқ пиёда юрилса (камида 10 минг қадам), спорт залида машғулот ўтаган каби фойдали бўлади. Ҳар куни қадамлар сони ошириб борилади.

Агар сиз спорт залига боришга қарор қилган бўлсангиз, унда кардиомашғулотларга — юрак-қон томир иш фаолиятини оширадиган машқларга алоҳида эътибор беришингиз керак. Югуриш йўлакчасида машқ қилаётганда юрак уриш тезлиги ва ҳолатингизни кузатиб боришингиз шарт.

Машқлар камҳаракатлиликдан қочишининг яхши усули бўлиб, унинг ёрдамида сиз мушакларни мустаҳкамлашингиз, саломатлигингизни яхшилашингиз ва вазингизни метёрада ушлашингиз мумкин.

— Жисмоний фаоллиқнинг метёри борми?

— Бунга аниқ далилларга асосланган кўрсаткичлар бор. Инсоннинг ҳолатидан келиб чиқиб, ўзига мос, шикоят қаҳирмайдиган жисмоний юкларга бўлиши керак. Айниқса, эрталлабки бадантарбия одам организм учун жуда зарур. У нафақат организм аъзолари ва тўқималарда моддалар алмашинувини кучайтиради, балки танадаги мушакларни уйғотади. Агар организм камҳаракат бўлса, ҳатто арзимас жисмоний юкларга ҳам чиниқиш ҳар қандай ёшда соғломлаштирувчи таъсир кўрсатади. Жисмоний юкларлар юқори калорияли овқатлар ва ўтроқ ҳаётнинг зарарли таъсирини бутунлай баргафур этади.

Жисмоний юклардан кейин қонда холестерин ва қанд миқдори камаяди. Мушаклар жад ишлаши туфайли қон босими мўътадиллашади. Организмда мунтазам қон айланиши ва моддалар алмашинуви яхшиланади. Юрак-қон томир тизими фаолияти метёрада ишлади, қўлоқ мушаклари мустаҳкамланади.



Соғломлаштирувчи жисмоний юклар тизимини аниқлаш ва яратишда оммабоп машқларнинг учта асосий шакли қўлланади: ҳар кунги эрталлабки бадантарбия, ҳафтада 3-4 марта тизимли жисмоний машқлар, ҳар кунги пиёда юриш.

Машғулотларни организмнинг биотригмига мос равишда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Яъни моддалар алмашинуви, тана ҳарорати ва марказий асаб тизимининг кўзгаллиш жараёнлари энг юқори даражага кўтарилган вақтга тўғри келиши лозим. Соғломлаштирувчи жисмоний юкларларга қўл-оёқлар учун гимнастик, умумий ривожлантирувчи, махсус динамик ва статистик характерга эга, бўшаштирувчи ва нафас машқлари кирди.

ри ҳафта давомида 6-9 соатни ташкил этиши лозим. Бу дам олувчи, мотивация берувчи, бўш вақтнинг самарали ва қизиқарли ўтишига хизмат қилувчи машғулотлар бўлиши мумкин. Бундай машғулотлар, ўз навбатида, одамнинг ўзини яхши ҳис қилишига ва саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда тўлиқ соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга ёрдам беради.

Айримлар жисмоний меҳнат билан шуғуллангани учун эрталлабки бадантарбияни инкор этади. Айниқса, уй бекалари жисмоний фаоллиқни рўқач қилиб, эрталлабки бадантарбияни хохламайди. Бу, албатта, нотўғри фикр. Чунки ҳар қандай жисмоний меҳнат ёки уй юмушлари, энг аввало, ад-реналин ажралиши билан боғлиқ аниқ бир

салбий таъсир қилса, айниқса, қон босими, юрак уриш тезлиги ошиши, нафас сиқиқлишига олиб келадиган бўлса, бу соғлом турмуш тарзига кирмайди. Хасталик қаҳирувчи омил бўлади. Аксариёт жисмоний ҳаракатларни секин-асталик билан бошлаб, юкларлар ошириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёши катталар, айниқса, юрак-қон томир хасталиги бор инсонларга югуриш, мураккаб жисмоний ҳаракатларни тавсия этилмайди. Сув ҳазмларида камида 45 дақиқа сузиш бутун мушаклар бўшашиши, танадаги қувват тикланишига сабаб бўлади. Бу организмнинг чиниқиши, иммун, юрак-қон томир, нафас олиш, ошқозон-ичак ва барча аъзолар фаолияти яхшилашига хизмат қилади.

Оилада спорт ва жисмоний машқларга йўналтирилган ижобий муҳитни яратиш керак. Буни катталар ўз зиммасига олиши ва иборат бўлиши зарур. Албатта, жисмоний юкларлар чоғида шифокор назоратида бўлиб туриш мақсадга мувофиқ.

— Ҳозир кўп учраётган чарқоқ синдромининг сабаби нима?

— Сурункали чарқоқ синдромига олиб келувчи сабаблар ханузгача аниқланмаган. Бироқ ушбу касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган хавф омиллари мавжуд. Бу тўқималарга ксилороднинг етарли даражада бормаслиги, ҳужайра метаболизи бузилиши, атроф-муҳит шароитлари ёмонлашиши, шаҳар муҳитида қўндалик стресс ва ҳаёт ритмига кучайиши, турли касалликлар билан боғлиқ.

Жисмоний фаоллик ёки спорт билан шуғулланганда кузатиладиган чарқоқ оддий ҳол. Дам олганда бу ҳолат ўтиб кетади. Аммо доимий чарқоқ камҳаракатлиликнинг ҳамроҳи ҳам бўлиши мумкин.

Нотўғри турмуш тарзи, кам ухлаш, қуёш нури ва тоза ҳаво етишмаслиги доимий стресс, депрессия, хавотирланиш ҳисси, мувозанатсиз овқатланиш, сифатсиз маҳсулотлар, овқатнинг ортиқчаллиги ёки етишмаслиги, витаминлар йўқлиги, шаҳарлардаги экологик вазият камҳаракатлиликка сабаб бўлади. Физиологик муолажалар, даволанганда, яхши уйку, парҳез, рекалантирилган кун тартиби тавсия этилади. Шунингдек, мувозанатли овқатланишга ўтиш, иш ва дам олиш учун вақт ажратиш, кунни олдиндан рекалантириш самара беради. Мушаклар тонусини сақлаш учун уйда спорт билан шуғулланиш ёки жисмоний машқлар бажариш, табиатда фаол дам олиш ҳам кони фойда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4638.
39932 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алжонов
Мусахҳис: Аслидин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллоев
Манзиллими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй